

10-10-2019

AN ESSENTIAL FEATURE OF ARTISTIK DISCOURSE

Bekpo'lat Umurqulov

Termez State University Candidate of Philological Sciences, Associate Professor

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Umurqulov, Bekpo'lat (2019) "AN ESSENTIAL FEATURE OF ARTISTIK DISCOURSE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 10 , Article 45.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/45>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

AN ESSENTIAL FEATURE OF ARTISTIK DISCOURSE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

БАДИИЙ НУТҚНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Умурқулов Бекпўлат

Термиз давлат университети

Филология фанлари номзоди, доцент

Аннотация. Мақолада бадиий нутқнинг моҳиятини белгиловчи, уни нутқнинг бошқа турларидан фарқланишини таъминловчи муҳим воситалар ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Бадиий нутқ, насрий нутқ, бадиий-образлилик, таъсирчанлик, ифода усули.

ЗНАЧИМЫЕ ОСОБЕННОСТИ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ РЕЧИ

Умурқулов Бекпўлат

Термезский государственный университет

филологических наук, доцент

Аннотация. В статье рассматриваются те средства, которые являются значимыми в художественной речи и дифференцирующими её от других видов речи.

Ключевые слова: художественной речь, прозаической речь, художественно-образность, возбужденность, стиль изображение.

AN ESSENTIAL FEATURE OF ARTISTIK DISCOURSE

Umurqulov Bekpo'lat

Termez State University

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor

Abstract: The article discusses important means of determining the nature of literary discourse and making it different from other types of speech.

Keywords: Artistic speech, prose speech, artistic-responsiveness, expression method

Бадиий нутқнинг гўзаллиги ҳам, моҳиятан таъсирчанлиги ҳам кўп жихатдан ифода усулининг ўзига хослиги, кўп маънолилик, сўзларни кўчма маъноларда қўллаш, бир тушунчани турли лингвистик воситалар орқали ифодалаш имкониятининг мавжудлиги асосида вужудга келади. Бадиий матннинг муҳим тури бўлган насрий нутқ нутқнинг барча турлари учун хос луғавий воситаларни кенг миқёсда қамраб олувчи нутқ бўлса-да, унинг ранг-баранглиги, тил воситаларига бойлиги, унда турли нутқ услубига хос луғавий воситаларнинг мавжудлигида эмас, балки, тушунчанинг турли шаклларда, турли воситалар орқали ифодаланиши натижасида вужудга келади.

Насрий нутқнинг моҳияти унинг ифодали воситаларга бой бўлишини, тил воситалари орқали фикрни бадиий бўёқдор, эстетик жихатдан таъсирчан ифодаланишини талаб қилади. Масалан, Али Қушчи ҳовлига кирганда ўнг томондаги уйнинг эшиги оҳиста очилиб, бошида тўқ ҳаво ранг ипак рўмол, эғнида тўпигигача тушган ҳаво ранг шоҳи кўйлак, оёғида учига ёқуд қадалган бежирим қобулий ковуш, тол чивикдай

нозик бир қиз кўринди. Қиз Али Қушчини кўриб, юзини ҳарир ҳаво ранг рўмоли билан тўсиб олди, оҳунинг кўзларидай катта серкиприк кўзларини ерга тикиб, кафтини кўксига босиб, бош эгди. (О.Ёқубов. “Улуғбек хазинаси”) Мазкур матнда муҳим маъно ташувчи **рўмол, кўйлак, ковуш, қиз, кўзлар** сўзлари нарса, предметни ифодалаган, айнан шу ифодасига кўра бадий матн учун номинатив вазифа бажарган муҳим луғавий бирликлар ҳисобланади. Бундай ифодаларсиз бирорта матнни, жумладан, бадий матнни ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки тил воситаларининг асосий вазифаси предмет, нарса-ҳодисани номлаш, уларнинг ўзига хос жиҳатларини ажратиш кўрсатишдан иборатдир. Маълумки, тил воситаларининг ана шундай биргина вазифада қўлланилиши бадий матн талабларига мос келмайди. Тил бирликлари табиатан эркин, турли ифодаланиш ҳолатларига эга бўлиб, тил воситаларининг бу хусусиятлари бадий нутқ жараёнида очилади.

Насрий матнларда тилдаги шу имкониятлардан фойдаланилган ҳолда бадийлик вужудга келтирилади. Келтирилган сўзларнинг сифатловчилари билан: **ипак рўмол, ҳаво ранг, шоҳи кўйлак, бежирим қобулий ковуш, нозик қиз, катта серкиприк кўзлар** каби қўлланилиши, **қизнинг нозиклигини тол чивикқа, кўзининг оҳу кўзига** ўхшатилиши бадий бўёқдорликни таъминлаганки, бундай ифодаларсиз бадий насрни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ҳолат аввало насрий матнни ўзига хос ифода усулига эга эканлигини, шунингдек, сўзда барча имкониятлар мавжуд бўлиб, у санъаткорона сўз қўллаш асосида намоён бўлишини кўрсатади. Адабиётшунос Д.Қуронов сўзнинг бадий образ яратиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда шундай ёзади: Сўзнинг тасвир имкониятлари жуда кенг, фақат уларнинг рўёбга чиқиш даражаси бевосита ижодкор маҳоратига, аниқроғи ундаги эстетик нигоҳнинг нечоғлик ўткирлигига боғлиқ [4;66]. Сўзнинг тасвир имконияти сўз қўллаш билан боғлиқ экан, бадий матн тадқиқотчилари зиммасига нутқнинг бошқа турларига қиёсан бадий матнларда сўз қўллашдаги ўзига хос қонуниятларни, очиб бериш каби муҳим вазифа туради. Зеро, бадий матнларда лингвистик восита ижодкорнинг сўз танлаш ва уни санъаткорона қўллаши натижасида бадий бўёқдорликка эга бўлади ва бадий асарнинг туб моҳияти – эстетик-таъсирчанлигини вужудга келтиради. Бинобарин, бадий матн сўз санъатининг муҳим кўриниши сифатида тилнинг ифодали воситаларига асосланган. Бироқ, бадий асарда қўлланиладиган барча лингвистик восита санъаткорона сўз қўллашнинг намунаси бўла олмайди. Чунки туб моҳияти билан бадий матн ҳам умумхалқ тилининг шакли. Иккинчидан, бадий матнларда қўлланиладиган барча лингвистик воситалар бадий сербўёқликни эмоционал-образлиликни уюштириши мумкин эмас. Бироқ бадий матн сўз санъатининг шундай турики, унда сўз фикр ифодалаш жараёнида хоҳ ўз маъносида, хоҳ кўчма маънода бўлмасин шундай “лингвистик занжин”ни вужудга келтирадики, бу “лингвистик занжир”дан бирор бўлагини ажратиш олиш бадий нутқ таъсирчанлигини йўқолишига олиб келади. Характерлиси шундаки, бу “лингвистик занжир” таркибида туб моҳияти билан услубий бўлган сўзлар, кўчма маъноли сўзлар, маъно кўчиши орқали образлиликни вужудга келтирувчи луғавий бирликлар, оддий сўзлашувга хос оддий ҳамда образли

воситалар ва ниҳоят, фақат предметлик маъносини ифодаловчи сўзлар ҳам мавжуд бўлади.

Бадиий матннинг бадиий-образли, эстетик таъсирчан матн сифатида шаклланиши сўзнинг санъаткорона қўлланилиши билан боғлиқ эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Санъаткорона сўз қўлланилиши фикрни таъсирчан ифодалаш имкониятини яратиш билан бир қаторда тил воситаларидан фойдаланишдаги ранг-баранглик асосида ифода жиҳатдан бадиий матнни бошқа матнлардан фарқланишига ҳам олиб келади.

Гап бадиий матннинг ифода усули сифатида ўзига хослиги ҳақида кетар экан, унда луғавий воситаларнинг лексик-семантик жиҳатдан кўпқирралиги масаласини алоҳида таъкидлаш лозим. Луғавий воситаларнинг маъно жиҳатдан кўпқирралиги бадиий матн, хусусан, насрий матннинг муҳим жиҳатидир. А.В.Фёдоров маъно жиҳатдан кўпқирралиликни бадиий нутқнинг ўзига хос хусусияти деб билади. А.В.Фёдоровнинг таъкидлашича, худди шу ҳолат бадиий нутқни нутқнинг бошқа турларидан кескин фарқлаб туради [3;71-72].

Маъно кўпқирралигининг моҳияти шундаки, бу ҳолатда сўз фақат бир маънони эмас, балки бир неча маънони ифодалашни орқали китобхонга таъсир этиши мумкин.

Бадиий нутқнинг бу хусусияти, яъни маъно кўпқирралиги масаласи тадқиқотчиларнинг диққатини жалб қилиб келган масалалардан. Хусусан, бу масала В.В.Виноградов, В.М.Жирмунский, В.А.Ларин, Ю.Н.Тинянов, М.М.Бахтин, В.П.Григорьев, А.Д. Григорьева, Е.А.Некрасова, М.Н.Кожина ва бошқа кўплаб тадқиқотчиларнинг ишларида у ёки бу даражада ўз ифодасини топган. Чунки сўз маъносининг кўпқирралиги бадиий матнга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бўлиб, матннинг функционал имкониятини кенгайтирувчи воситалардан биридир. Бироқ, ўзбек тилшунослигида матннинг бошқа масалалари сингари луғавий воситаларнинг маъно жиҳатдан кўпқирралиги масаласи ҳам тадқиқот ишларида ўз аксини топмаган.

Эстетик-таъсир этиш бадиий матннинг муҳим хусусиятидир. Эстетик-таъсирчанликни асосини фикрни образли ифодалаш ташкил этади. Фикрни образли ифодалаш сўздан санъаткорона фойдаланишни талаб қилади. Бадиий матн ўта мураккаб жараённинг маҳсули, гарчанд, образлиликни, эстетик таъсирчанликни вужудга келтирувчи воситалар нутқнинг бу турида кўп ва хилма-хил бўлса-да, улар санъаткорона сўз қўллаш, сўзнинг турли маъновий хусусиятларини чуқур англаш ва ундан самарали фойдаланиш асосида вужудга келади.

Шу боисдан бадиий матнни тадқиқ қилиш жараёнида тадқиқотчи қўйидагиларга алоҳида эътибор бермоғи лозим.

1. Бадиий матнда тил воситаларининг ранг-баранглиги масаласига.
2. Бадиий матнда ижодкорнинг сўз қўллаш маҳоратига.

Бу икки ҳолат аввало бир-бирини тақозо қилади. Биринчи ҳолат бадиий матнда сўз қўллаш имкониятини чексизлигини кўрсатса, яъни бадиий матнда, айниқса, насрий матнларда бир тушунчани ифодалаш учун кўплаб сўзлар қўлланилиши, сўзларнинг кўчма маъноларда ишлатилиши бадиий нутқ учун хос.

Иккинчи ҳолат бадиий матннинг услубий имкониятини кенглигини кўрсатади. Чунки нутқнинг бу турида санъаткорона қўлланилган ҳар бир сўз услубий вазифа бажаради. Насрий матннинг муҳим хусусиятларидан яна бири сўзлашув тилига хос бўлган луғавий воситаларни кенг қамраб олиши ва бу луғавий воситаларнинг нутқда услубий имкониятларни яратишидир. Шунга кўра нутқнинг бошқа турларидан куйидагилар билан фарқланади. Бадиий матн алоқа-аралашув вазифасини бажариш жараёнида эстетик-таъсирчанликни ҳам вужудга келтиради. Эстетик вазифа шу матн турининг алоҳида ажралиб турувчи хусусиятларидан биридир. Эстетик таъсирчанлик фақат бадиий нутқ учун хос бўлмаса-да, нутқнинг бирор тури йўқки, бу ҳолат бадиий нутқдагидек кўламдор бўлса.

Шу боисдан ҳам Д.Э.Розенталь эстетик вазифа бажаришни тўлиқ бадиий нутққа хос хусусият деб ҳисоблайди [2;50]. М.Н.Кожина эса эстетик вазифани бадиий нутқнинг табақаланган томони эканлигини қайд этади [1;65].

Дарҳақиқат, бадиий нутқнинг образлилик кўлами, ифода воситаларга бойлиги бадиий сўзларнинг эмоционал-бўёқдорлиги – барчаси шу нутқнинг асосий вазифаси бўлган таъсирчанликни кучайтирувчи воситалар ҳисобланади. Бадиий матннинг, хусусан, насрий нутқнинг муҳим жиҳатларидан бири умумуслубийлигидир.

Адабий тил тизимига мансуб нутқ кўринишларидан бирортаси насрий нутқдек услубий воситаларга бой эмас, бадиий матннинг бошқа турлари, шеърый нутқ, драматик нутқ ҳам насрий нутқчалик барча нутқ кўринишларига хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштира олмайди. Насрий нутқнинг моҳияти, унда турли луғавий воситаларнинг эркин қўлланилишини талаб қилади. М.Н.Кожина бадиий нутқдаги умумуслубийликни бадиий нутқда қўлланиладиган лексик-воситаларнинг турли-туман услубий бўёққа эга эканлигида деб изоҳлайди [1;197].

Нутқда ифодали воситаларнинг қай даражада қўлланилиши нутқ услуби билан боғлиқ. Шу маънода ифодали воситалар услубий воситалар саналади. Бадиий матнлар ифодали воситаларнинг турли кўринишларига бой, айнан, ифодали воситаларнинг кўплаб қўлланилиши бадиий матнларни бошқа матн турлари: илмий матн, расмий матн ҳатто публицистик матнлардан алоҳида ажралиб туришини таъминлайди. Шу маънода ифодали воситаларнинг кўп қўлланилиши ва турли-туманлиги бадиий матннинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан саналади. Бадиий матннинг ифодали воситалари сўз қўлланилишида, тасвирий воситалар қўлланилишида ва бошқа нутқ учун ноодатий ифодалар қўлланилишида намоён бўлади. Масалан, *Сокин тун. Осмон тўла юлдуз, лекин ёруғи йўқ. Йўл бўйидаги дарахтлар ҳўрпайган товўққа ўхшаб кўринади, қоп-қора, саф ярим соатча юргандан кейин ўрмонга кириб кетди. Ўрмон ичи боягидан ҳам жимжит, фақат баланддан дарахт бошларини тебратиб ўтган шамолнинг пихиллашга ўхшаш бўғиқ товуши бир текстда келган.* (Шуҳрат. “Олтин занғламас”) Тасвирнинг сербўёқлиги билан характерланувчи бу матн санъаткорона сўз қўллаш намунаси. Матнда битта тушунча – “тун”ни ифодалашда, тўртта ифода шаклидан фойдаланилган. **Сокин тун, осмон тўла юлдуз, дарахтлар – ҳўрпайган товўқ, қоп-қора.** Бундай бир кўриниши, ҳар хил шаклларда ифодалаш фақат бадиий матн учун хос.

Матндаги **сокин тун** ибораси орқали туннинг ҳолатини ифодаланиши, дарахтларнинг тундаги кўриниши **хўрпайган товукқа** қиёсланиши, тунга монанд қоп-қоралиги тасвири бадиий ифода асосида намоён бўлган. Бадиий ифода туфайлигина *шамол дарахт бошини тебратади, шамол пиххиллайди, сувлар хониш қилади, ой ариқдан ҳатлаб ўтади, чечаклар жилмаяди, япроқлар қарсак чалади*. Ана шундай адабий тил учун ноодатий ифодалар бадиий нутқнинг моҳиятини белгилайди ва уни нутқнинг бошқа кўринишларидан фарқланишига олиб келади.

References:

1. Kojina M.N. Stilistika russkogo yazika. – M., 1977.
2. Rozental D.E. Prakticheskaya stilisatika russkogo yazika. – M., 1977.
3. Fyodorov A.V. Nekotarie leksiko-semanticheskie faktori smislovoy mnogoplanovosti xudojestvennoy rechi. – v kn: Russkiy yazik. Problemi xudojestvennoy rechi. (Leksikologiya i leksikografiya) M., 1981.
4. Quronov D. Nazariy qaydlar. – Toshkent: Akademnashr, 2018.